

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-4

БОЛАЛАРДА ПАРАЗИТЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

ASSESSMENT OF PARASITIC INFECTION IN CHILDREN

Холбоев Норбек Алиниёзович

Термиз иқтисодиёт вак сервис университети

Тиббиёт кафедраси ўқитувчisi

Email:

АННОТАЦИЯ

Гельминтозлар жуда кенг тарқалган бўлиб, одамлар организмига мослашиб, инсон аъзолари ва тизимларида турли патологияларини келтириб чиқарадиган қадимий паразитлардан бири ҳисобланади. Улар организмда паразитлик қилиши билан бирга кўпгина асоратларни келтириб чиқаради.

Тадқиқот текшириш натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкин, болалар ўртасида остирица боғлиқ гельминтологик касалланиш (энтеробиоз) ҳолатини камайтиришда шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш муҳим ахамият касб этади.

Калит сўзлар: Болалар, гельминтоз, шахсий гигиена, энтеробиоз, остирица, лямблилар, аскаридоз, касалланиш.

АННОТАЦИЯ

Гельминтозы очень распространены и считаются одними из древнейших паразитов, которые приспособливаются к человеческому организму, вызывая различные патологии в органах и системах человека. Они вызывают множество осложнений, а также паразитируют в организме.

По результатам исследований можно сделать вывод, что строгое соблюдение правил личной гигиены имеет важное значение в снижении заболеваемости гельминтологическими заболеваниями (энтеробиозами), связанными со страусами, среди детей.

Ключевые слова: Дети, гельминтозы, личная гигиена, энтеробиоз, страусы, лямблии, аскаридоз, заболеваемость.

ABSTRACT

Helminthiasis is very common and is considered one of the oldest parasites that adapt to the human body, causing various pathologies in human organs and systems. They cause many complications, and also parasitize in the body.

From the results of the research, it can be concluded that strict adherence to personal hygiene is important in reducing the incidence of helminthological disease (enterobiosis) related to ostriches among children.

Key words: Children, helminthosis, personal hygiene, enterobiosis, ostriches, giardia, ascariasis, morbidity.

Муаммонинг долзарбилиги: Гельминтозлар - гельминтлар (паразит куртлар) келтириб чиқарадиган паразитар касалликларнинг катта гурухи бўлиб, аҳолининг саломатлик ҳолатини сезиларли даражада белгилайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ма’лумотларига кўра, гельминтозлар дунё аҳолисининг соғлиғига зарар етказиши бўйича (диарея, сил ва юрак-қон томир касалликларидан кейин) 4-ўринни эгаллайди. Ҳар или сайёрамиздаги тахминан ҳар иккинчи одам гельминтларнинг 3 асосий туридан бири

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-4

билин касалланади, бу аскаридоз (1,2 миллиард киши), анколит (900 миллион) ва трихосефалоз (700 миллионгача) билан касалланади [5, 7, 8].

Инсониятда учрайдиган касалликлар ўртасида энг кўп тарқалгани гельминтозлар ҳисобланади. Бутун дунё Соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра Осиё, Африка ва Лотин Америка давлатларининг 90% аҳолиси ушбу кассаликка чалинган. Шаҳарларда глобал ривожланишни ўсиши, аҳолининг ижтимоий тузилишидаги ўзгаришлар ва бошқа омиллар билан боғлиқ демографик ўзгаришлар шаҳарларда итларнинг кўпайишига олиб келди ва бу катта муаммо бўлиб қолди. Айниқса болаларда паразитар касалликларни кўпайишига туртки фактор бўлиб ҳисобланади. Қуйидаги турлардаги гелментлар итлар орқали юқори юқумлилик инфекцияси ҳисобланади. Яни гельминтлардан - *Taenia hydatigena*, *Echinococcus granulosus*, *Dipylidium caninum*, *Toxascaris leonina*, *Toxocara canis*, *Ancylostomum caninum*, *Uncenaria stenocephala* 20,2 дан 72,2% гача ва интенсивлик билан кенг қамровли инвазияга эга [2, 3].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 5 миллиардга яқин одам паразитар касалликлар ва гельминтозлар билан касалланган, яъни бу сайёрамиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Ҳатто эндемик мамлакатларда ҳам соғлиқни сақлаш органлари ва аҳоли томонидан уларга етарлича эътибор берилмайди. Гельминтозларни келтириб чиқарадиган гижжалар сайёрамиздаги энг қадимий ва кўп сонли ҳаёт шаклларидан биридир. Одамларда гельминтларнинг 350 дан ортиқ турлари паразитлик қиласи [4].

Европада ҳар учинчи аҳоли гельминтлардан азият чекмоқда. Ўзбекистонда гельминтозлар билан касалланишнинг йиллик кўрсаткичи 100 000 аҳолига тўғри келади [6].

Ўзбекистонда энг кўп учрайдиган гельминтозлар: энтеробиоз, аскариоз, трематодоз. Мамлакатда энтеробиоз билан касалланиш ҳар 100 минг аҳолига 1100 тани ташкил этади. Беморлар орасида 90% болалар, асосан 1 ёшдан 3 ёшгача. Аскариоз билан касалланиш 100 минг аҳолига 100 та ҳолатни ташкил қиласи [1].

Шундай қилиб, 20-асрнинг охирига келиб кўпчилик паразитар касалликлар назорат остида бўлади деган умид оқланмади. Аксинча, улар барча ривожланаётган мамлакатларда, айниқса тропик ва субтропикларда жойлашган мамлакатларда сақланиб қолмоқда. Европанинг саноати ривожланган мамлакатларида ҳам охирги йигирма йил ичida эндемик мамлакатлардан паразитар касалликлар импорти ортиб бораётганлиги сабабли вазият ёмонлашди. Яна бир ноқулай омил - ОИВ эпидемияси, гиёҳвандлик ва атроф-мухит қўзғатувчилари туфайли аҳолининг иммунитет ҳолатининг заифлашиши кузатилмоқда [9, 10, 11].

Тадқиқот мақсади: Болаларнинг паразитар касалликлар, хусусан остица, лямблилар, аскариоз ва теннидалар билан касалланиш ҳолатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун биз “Республикамида паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора тадбирлар такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 25.03.2005 йилдаги № 121, Ўзбекистон Республикаси Давлат Эпидемиологик назорати марказларида ўтказиладиган лаборатория текширишлар номенклатуралари тасдиқлаш тўғрисида” ги №34 буйруқ ва УҚ №012-3/0134 “Гельминтозлар ва протозоозларнинг лаборатория диагностикасида паразитологик усуллар” услубий қўлланмасидан фойдаландик.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-4

Юқоридагилар билан бирга текшириш объекти сифатида Термиз шаҳрида жойлашган №1 ва №3 мактабгача таълим муассаси ва хусусий нодавлат “Нурли авлод” мактабгача таълим муасссалари тарбияланувчиларини ва №2 ўрта таълим мактаби ўқувчиларини олдик ва 2020-2022 йиллар динамикасида уларда тарқалган касалликка чалиниш ҳолатларини текширилди.

Тадқиқот натижаси: Текширувда қўйидаги натижалар олинди, яни 2020 йил умумий текширилган аҳоли сони 24970 бўлиб, улардан 7546 та (30%) болалар муассасалари тарбияланувчилари 15532 (62,2%) таси эса мактаб ўқувчилари хисобланади. Қолганлари эса бемор билан мулоқотда бўлганлар. Умумий остирица гельминти билан мусбат (+) натижа берган лаботория тахлиллар сони- 345 та бўлиб, улардан 140 (1,8%) таси мактабгача болалар муассасаси тарбияланувчилари, 205 (1,3%) таси эса мактаб ўқувчилари хисобланади. Копрологик текшириш усулида эса қўйидаги натижалар олинди: умумий текширилган аҳоли- 1349, улардан 551 (40.8%) таси мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, 798 таси (59.1%) таси мактаб ўқувчилари. Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларида 11 (1.9%) та, мактаб ўқувчиларида эса 13 (1.6%) “мусбат” (+) натижа берди. 2021 йилги текширишлар бўйича қўйидаги натижалар олинди: умумий текширилган сони 19421, улардан: 9272 таси мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, 8500 таси (43.7%) таси мактаб ўқувчилари. Улардан 138 (1.4%) та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида ва 181 (2.1 %) та мактаб ўқувчиларида “мусбат” (+) натижалар олинди. Копрологик усул билан текширилганда эса умумий текширилганлар сони- 1238, улардан 574 (46,3%)таси мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, 664 таси (53.6%) таси мактаб ўқувчилари бўлиб, улардан ҳар иккала муассасада 7 тадан “мусбат” натижалар 1.2% МТМ ва 1,0% мактаб ўқувчиларини ташкил этди. 2022 йилда қўйидаги натижалар олинди: умумий текширилганлар сони 16938 тани ташкил этиб, улардан 7115 (42,0%) таси МТМ, 6369 (37,6%) таси мактаб ўқувчилари, қолганлари эса bemorлар билан мулоқотда бўлганлар ва бошқалар хисобланади. Текширилган болалардан 120 (1,6%)тасида МТМ тарбияланувчилари ва 137 (2,1%) мактаб ўқувчиларида “мусбат” (+) натижалар олинди. Копрологик текшириш усулида эса 1169 текширилганларнинг 297 (25,1%)та МТМ тарбияланувчилари, 812 (74.5%) мактаб ўқувчилари хисобланади. МТМ тарбияланувчиларидан 13 (4,3%)та, мактаб ўқувчиларидан эса 9 та (1,0%) “мусбат” (+) натижалар олинди.

Болаларда гелминтознинг клиник кўринишлари

1-жадвал

Болаларда иштакханинг пасайиши ёки йўқолиши	
Захарланиш белгилари	
Истма	
Тери ва шиллиқ қаватлар тузилиши	Тери рангини ўзгариши (сарғайиш, пегментланган доғлар); Тери ости тугунларни катталашиши; Шиш; Теридаги яралар;
Лимфа тугуни	Лимфа тугунларининг катталашиши;
Суяқ-мушак тизими	Миалгия, миозит, Артракгия;
Нафас тизими	Нафас-бронх бўзилиши, Бронхиал астма хуружи;

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-4

Юрак-қон томир тизими	Юрак-қон томир тизимига хос бўлмаган белгилар;
Ошқозон-ичак тизими	Қоринда оғриқ, Жигар ва талоқ катталашиши;
Сийдик айирув тизими	Фаникулит; Эпидидимит; Гидроцеле или лимфоцеле; Қайталанувчи вулловагинит;
Неврологик белгилар	Неврологик қузгалувчанлик, галлюцинация, тиришиб қолиш;
Кўрув аъзосидаги бузилишлар	Қошлар ва кўз қовоқларининг шикастланиши, конъюнктивит, Шох парда, кўз тур пардасининг шикастланиши; Жисмоний ривожланишдан орқада қолиши

Болаларда гелминтоз билан касалланиш натижасида ўзига хос клиник белгилар намоён бўлади (1жадвалга қаранг).

Хулоса: Юқорида олинган текшириш натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкин, болалар ўртасида острицага боғлиқ гельминтологик касалланиш (энтеробиоз) ҳолатини камайтиришда шахсий гигиенада қатъий риоя қилиш мухим ахамият касб этади. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ўстириш ва гигиеник чоратадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ саналади.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-4

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдиев Ф.Т. Коррекция состояния иммунитета при гельминтозах, 2007. №1. С. 76-78.
2. Лысенко А.Я., Владимова М.Г., Кондрашин А.В., Майори Дж. Клиническая паразитология. Под общ. редакцией Лысенко А.Я. Руководство. Женева, ВОЗ: 2002. 752 с.
3. Поляков В.Е., Лысенко А.Я. Гельминтозы у детей и подростков. М.: Медицина, 2003. 256с.
4. Эрматов, Н. Ж., Камилова, А. Ш., Асрорзода, З. У., & Бурибоев, Э. М. (2022). Профилактические меры и гигиеническое обоснование гельминтных заболеваний у детей школьного возраста. Ориентал ренаissance: Инновативе, едусатионал, натурал анд социал ссиенсес, 2(10), 567-576.
5. Авдюхина Т. И., Константинова Т. Н. Энтеробиоз. Клиника, диагностика, лечение, эпидемиология, профилактика: учеб. пособие для врачей. М., 2003. 56 с.
6. Улмасов М.М. Эпидемиологические особенности некоторых гельминтозов и организация борьбы с ними в Ташкентской области. Дис. канд. мед. наук. Т., 2007. С. 116
7. Бронштейн А.М., Малышев Н.А. Гельминтозы органов пищеварения: кишечные нематодозы, trematodозы печени и ларвальные цестодозы (эхинококкозы). Рус.мед.журнал 2004;12: 4: 208-211.
8. Торопова Н.П., Сафонова Н.А., Синявская О.А. Дерматозы и паразитарные болезни у детей и подростков: Аспекты патогенеза, клиники, диагностики, лечения и профилактики: Практ.пособие для врачей педиатров, дерматовенерологов, аллергологов. 2-е изд., перераб. и доп. Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2008. 60 с.
9. Сальникова С.И. Фармакотерапия гельминтозов у детей. Российские аптеки 2006; 6: 33-35.
10. Страчунский Л.С., Козлов С.Н. Современная антимикробная химиотерапия. Руководство для врачей. М.: Изд-во МИА, 2009. 448с.
11. Sultanov Ravshan Komiljanov, et al."Dynamics of development of tissue structures of the trachea and bronchial wall in the period of six months of childhood." European journal of modern medicine and practice 2.4 (2022): 24-29.